



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 72 (8812).

5 апрель, 1986 йил

ШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

- Областимиз колхоз ва совхозларида чигит экиш бошланди
- Ҳамма ерда ишни область пахтакорлар Советининг тавсиялари асосида ташкил этайлик
- Чигит экишни қисқа муддатларда ва сифатли тугаллаб, уруғликни ернинг табиий намига тўла ундириб олишга эришайлик.



♦ ДАЛАЛАР, техника, уруғлик барвақт тайёрлаб қўйилган эди. Шунинг учун ҳам колхоз деҳқонлари чигит экишга уюшқонлик билан киришдилар. Мўл ҳосил учун кураш мусобақасида Жамил Ҳазратқулова бошлиқ бригада деҳқонлари олдинда бормоқдалар. Улар бу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштиришга сўз берганлар.

Бекобод районидagi Дзержинский номидаги колхознинг бошиқа бригадаларида ҳам экиш ишлари кундан-кун авж олдирилмоқда. Суратларда: (юқорида) моҳир механизатор Сулаймон Лозимов. У бошлиқ экип аъзолари кунлик топириқнинг ортиси билан бажармоқдалар. (Пастда) чигит экиш пайти.

А. Абелян фотолари.

ТЕКИС УНДИРИБ ОЛАМИЗ

БАҲОР кечикиб келди. Тупроқнинг қизиши чўзилди. Лекин ишнинг қўзини билган деҳқонлар учун бу баҳона бўла олмайдди, албатта. Шунинг учун ҳам бизда баҳорнинг совуқ келган кунларида барча бригадаларида бутун диққат-эътибори тайёргарлик ишларининг қўйилган бўлишига қаратилди. Натижа ёмон бўлмади. Кунинг кеча қўриқ-конкурсда мавжуд 38 сепка ишга пухта созланганлиги,

механизаторларнинг маҳорати ортаганлиги маълум бўлди. Бу йил ҳўжалигимиз бўйича 1540 гектар ерга чигит экилади. Ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олинади.

Иқтисод ва текамкорлик учун курашга чигит экиш мавсумида алоҳида эътибор бериш керак. Бригадани аъзолари билан бу ҳақда жиддий гаплашиб олдик. Улар уруғнинг ортқича сарф-

ланишига йўл қўймаслик учун сўз бердилар.

Техника сифатли ремонтдан чиқарилди. Бу йил биз 93 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳар гектар ер ҳосилдорлигини 35 центнерга етказамиз. Айни кунларда механизаторларимиз Саид-аҳмад Сотиболдиев, Нуриддин Намаев, сепкачилардан Солиев Бегматов ва Эгамберди Холбоевлар экишни намунали ўтказишда алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Э. АНОРҚУЛОВ,
Ўрта Чирчиқ районидagi «Ленин йўли» колхозини бригадани бошлиғи.

ЯНГИ УСУЛДА

БЕКОБОД районидagi Навоий номидаги колхоз пахтакорлари сўзлар йилида 1690 гектар ерга пахта экиб, ҳар гектаридан 35 центнердан ҳирмон кўтаришга аҳд қилишган.

Ҳўжаликда чигит экиш мавсумига пухта ҳозирлик қўрилди. Мавжуд экиш сепкачилари сифатли ремонтдан чиқарилиб қўйилган. Механизаторлар экин қайноқларини текислаштириш асосида Ариқ-қозулар мавсумига барвақт тайёрланган. 53 минг куб метр ҳажмдаги сугориш тармоқлари тозаланди.

Бу йил колхоз пахтакорлари чигитни янги — пуштага экиш усулини қўллашмоқда.

— Ўтган йили ҳам бу усулни қўллаган эдик, — дейди илгир пахтачилик бригадаси бошлиғи С. Абдуалиев. — Натижа ёмон бўлмади. Ҳар йилгидан мўл ҳосил етиштирдик. Бу усулнинг ўзига ҳокимиятлари бор. Масалан, сурункали ёгингарчилик бўлганда ҳам уруғлик чириб кетмайди. Тўла уйиб чиқади. Шунингдек, чигит бир текис ва бир хил қўйиладиган ерга қайтади.

Колхознинг Э. Нортлоков, Т. Абдуллаева ўртоқлар бошчилигидаги бригадаларида ҳам бу йил чигит пуштага экилмоқда. Айни пайтда мазкур бригадаларнинг коллективлари барча ишлари — экинни қисқа фурсатда тугаллашга қаратмоқдалар.

А. ҲАМЗАЕВ.

ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ— БАЙРОҒИМИЗ

БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Қўп миллатли социалистик давлатимизда юздан ортқича миллат ва элнинг биргаликдаги меҳнати ҳамда турмуши жараёнида миллий муносабатларни такомиллаштиришга оид янги-янги вазифалар пайдо бўлиб туриши табиий. Партия бу вазифаларни сингалган ленинча миллий сиёсат принциплари асосида ҳал этиб келди ва ҳал этаверади, деб таъкидланади янги тахрирдаги КПСС Программасида. Қардош республикалар халқларининг миллий таърибаси, бу таърибанинг совет жамияти маънавий турмушини боийтишда, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришдаги роли—Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий конференциясининг бош мавзусидир.

4 апрель кунини конференция қатнашчилари секцияларнинг мажлисларида жамиятшунос олимлар, миллий муносабат соҳасидаги мутахассислар ҳал этадиган проблемаларни муҳокама қилдилар. Москва, қардош республикаларнинг олимлари, партия ходимлари, идеология ташкилотлари ва муассасаларининг раҳбарлари қилган докладлар ва берган илмий ахборотлар партиянинг миллий муносабатларни такомиллаштириш соҳасидаги фаолиятининг асосий йўналишларига бағишланди.

Социалистик турмуш тарзини такомиллаштиришнинг, социал иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг, СССР халқлари маънавий турмушини ва миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг таркибий қисми

Конференция ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Ўзбекистон меҳнатнашлари венгер халқининг миллий байрами— Венгрия фашизмдан озод қилинганлигининг 41-йиллигини нишонламоқдалар. Тошкент жамоатчилиги вакиллари 4 апрелда бўлиб ўтган тантанали йиғилиши ана шу шонли санага бағишланди.

Сўзга чиққан нотиклар СССР билан ВХР кўп йиллар мобайнида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатида бў-

либ келаётганлигини мамнуният билан таъкидладилар. Ўзбекистон меҳнатнашлари ҳам ана шу муносабатларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар, деб ўқтирилди йиғилишда, совет ва венгер халқларининг тўб манфаатларига мос бўлиб тушади, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

(ЎзТАГ).

ЭРТАГА—ГЕОЛОГЛАР КУНИ



«ТАШКЕНТГЕОЛОГИЯ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг комплекс геология-қидирув экспедицияси тармоқдаги илгир коллективлардан ҳисоблана-

ди. Улар кўплаб янги конларнинг топилишида иштирок этишган. Суратда: қидирув партияси геологлари (чапдан) Владимир Ли, Мансур Усмонов, Андрей По-

лигалов янги топишган маъдан бўлагини кўздан кечиришмоқда.

(Геологлар кунига бағишланган мақола газетанинг 3-бетига босилмоқда).

В. СИРОТИННИНГ ФОТОСИ.

САРА УРУҒ

ОҚҚЎРҒОН райони меҳнатнашлари бу йил 19800 гектар ерга деҳқончилик қилиб, 80 минг тонна пахта етиштириш учун далага отландилар. Улар область пахтакорлар совети Тавсияларига амал қилиб чигит экиш мавсумини қисқа муддатларда ўтказиш, уруғини ернинг табиий намига ундириб олиш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Район ҳўжаликларида майдонларини бороналаш ниҳосига етмоқда.

Етарли миқдорда уруғлик сараланди. Экин мавсумига машина, механизмлар тахт қилиб қўйилган эди. С. Сегизбоев номида, «Оққўрғон» совхозлари деҳқонлари экинни биринчилар қаторида якунлаш учун курашмоқдалар.

И. ТОШЕВ.



19 АПРЕЛЬ—БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИ

КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК ШТАБИДА

Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов раислигида В. И. Ленин туғилган кунининг 116 йиллигига бағишланган республика коммунистик шанбалиги штабининг мажлиси бўлиб ўтди. Тошкент область партия комитети билан «Гуавсредагросовхоз-стройнинг ахборотлари тингланди. Аввалиги шанбаликларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш тажрибаси ҳисобга олинди, бўлажак меҳнат байрамига

тайёргарлик билан боглиқ вазифалар белгилан олдинди.

Шу кунларда юзлаб меҳнат коллективлари тежалган материаллар, хом ашё фондларини, комплектлаш деталлари запасларини гамлаб олаётганликлари қайд этилди. Шанбалик давомида ишлаб чиқарилган жами маҳсулот тежалган ресурслардан тайёрланишига интилиш зарур, деб таъкидланди мажлисда. Станоклар ёнида меҳнат қилиш иштиёқини билдирган инженерлар учун, шанбаликда қатнашиш

истагидаги уруш ва меҳнат ветеранлари учун қўшимча иш жойларини вужудга келтириш муҳим вазифадир. Қўрилишларда материаллар билан узлуқсиз таъминлаш йўлга қўйилиши, қурувчиларнинг ўзи учунгина эмас, шу билан бирга шанбалик кунини қурилиш майдонларига келадиган кўп сонли студент отрядлари учун ҳам Ҳамма имкониятлар барвақт яратиб қўйилиши лозим.

Бирок, қилинадиган ишларнинг аниқ ҳажмлари

Ҳамма жойда ҳам белгилан қўйилган эмас, қўшгина область штаблари 19 апрель кунини иккинчи сменада ишлайдиган кишиларнинг меҳнатини ташкил қилиш ҳақида йўлба кўрганлари йўл. Меҳнат байрами қатнашчиларини транспорт, озиқ-овқат билан таъминлаш тўғрисида, уларга маданий хизмат кўрсатиш ҳақида кўпроқ гамхўрлик қилиш зарурлиги мажлисда ўқтириб ўтилди.

Партия, жамоат ташкилотлари, ҳўжалик раҳбарлари меҳнат коллективларининг активлигидан, ижодий имкониятларидан тўла-тўқис фойдаланишлари, ҳар бир меҳнатчининг коммунистик шанбаликда зарбдор-

ларча ишлашига имконият яратиб беришлари керак. 19 апрель кунини кўчалар, ҳовлилар, микрорайонларни ободонлаштириш билан шуғулланадиган шахар ва қишлоқ аҳолисининг, уй бекларининг, ўқувчиларининг ишлари ташкил этиш — маҳаллий Советларнинг муҳим вазифасидир.

Социалистик мусобақани пухта ташкил этиш, унинг кенг ошқоралигини таъминлаш, ленинча шанбалик якунларини оператив равишда чиқариш ҳақида гамхўрлик қилиш лозим эканлиги штаб мажлисида таъкидланди.

(ЎзТАГ).

Тошкент

«Агропрогресс» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент таъриб-ремонти механика заводининг ишчилари коммунистик шанбалик кунини ишлаш учун тежалган хом ашё гамлаб қўйилди. 19 апрелда ўн олти гидрпресс ва чопиқ тракторлари учун кўплаб запас қисмлар ишлаб чиқаришга қарор қилинди. Бундан ташқари, ремонтдан чиқарилган 35 та мотор республика ҳўжаликларида юборилди.

(ЎзТАГ мухбири).

□ МОСКВАЛИК илгир саноат корхоналари коллектив-

ларининг В. И. Ленин туғилган кунда шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини пойтахтимизнинг Киров райони меҳнаткашлари астойдил қўллаб-қувватлаб, шанбаликда бажариладиган ишларни режалашмоқдалар. Дастлабки маълумотларга кўра меҳнат байрамида 115 минг киши қатнашди ва шу кунини жами 800 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шунингдек қурувчилар 150 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишди.

Олий ўқув юрлари ва ўрта мактабларнинг талабаларидан иборат 10 минг киши кенг кўламли ободонлаштириш ва кўламзорлаштириш ишларини бажаришди.

«Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йил-

лиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг чеварлари 200 минг сўмлик кийим-кечақлар тайёрлашга аҳд қилишди. Комсомол ёшлардан М. Насриддинова, М. Мирсидова, М. Хожиметова, Ж. Мўминова, К. Тегенова каби юзлаб чеварлар шанбалик кунини шахсий топириқларини 140—150 процентга етказиб бажаришга сўз бердилар. «Ўртоқи кондитер фабрикасининг ҳандоқчилари ширинликлар ишлаб чиқаришди. Райондаги 2515-автокотлонда ҳайдовчилари шу кунини катта территорияда ҳашар муносабати билан тўпланган қизқиндиларни ташвишда иштирок этадилар.

С. СУЛТОНОВ,
жамоатчи мухбир.

Ангрен

□ АНГРЕН шаҳар кўмир казиб чиқарувчилари ва бошқа саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари коммунистик шанбаликка кизгин тайёргарлик кўришмоқда. Жумладан, 9-шахта коллективи 19 апрель кунини ҳар қачонгидан ҳам унумлироқ, юқори суръат билан ишлаб пландагига қўшимча 400 тонна ёқилғи қазиб чиқаришни режалаштирди. Б. Йўлдошев, В. Бессонов каби илгир қончилар шу кунини нормани 115—120 процентга етказиб бажаришга ваъда берилди.

И. АҲМЕДОВ.

Ғазалкент

Бўстонлик районда тузилган шанбалик штабига

корхоналар, муассасалар ва ҳўжаликлари 20 нафар вакили кирди. Штабининг ҳисобларига кўра, коммунистик меҳнат байрамида 60 мингдан кўп киши қатнашди, 380 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Олмалик

Ленинча шанбалик кунини Олмалик тикувчилик фабрикасининг 300 ишчиси ўз иш ўрнини эгаллашди. Уларнинг ҳаммаси меҳнатда энг юқори унумдорликка эришши мажбуриятини олди. «Қизил шанбалик» чоғида ишлаб топишган маблаб беш йиллик фондига ўтказилди.

(ЎзТАГ).

тарих фанлари кандидати,
доцент.

партияси депутатларининг сафари АКШ муҳофаз министри Каспар Уайнбергернинг Токиога қиладиган визити билан бир вақтга тўғри келади.

[ТАСС, 3 апрель].

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12